

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**Ю.А.Тойиров***иқтисодиёт фанлари бўйича**фалсафа доктори (PhD), кафедра доценти в.б.**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти.*

Аннотация: *мазкур ишда тижорат банклари ресурслари самарадорлигини баҳолашга нисбатан назарий ёндашувлар ёндашувлар таҳлили натижалари ўз ифодасини топган.*

Калит сўзлар: *тижорат банклари, ресурслар, самарадорлик, натижавийлик, ресурслар самарадорлигини баҳолаш.*

Аксарият илмий манбаларда эътироф этилишича, «самарадорлик» тушунчаси даставвал иқтисодий адабиётларда қўлланилган. Бу классик сиёсий иқтисод асосчилари ҳисобланувчи В.Петти, Ф.Кенэ, Д.Рикардо, К.Маркс ва бошқаларнинг илмий ишларида мазкур атаманинг қўлланиши билан изоҳланган. Аммо улар томонидан «самарадорлик» атамаси иқтисодий ва ижтимоий ҳолатлар ҳамда жараёнларни ифодалашда турлича талқин этилган. Жумладан, В.Петти ва Ф.Кенэ томонидан «самарадорлик» тушунчаси алоҳида иқтисодий категория сифатида эмас, балки «фаолиятнинг натижавийлиги» (инг. effectiveness) ёки ҳукумат фаолияти ва унинг иқтисодий жараёнларни фаоллаштириш имкониятини баҳолаш учун қўлланилган³⁰. А.Смит асарларида «самарадорлик» тушунчасидан фойдаланилмаган. Д.Рикардо «Сиёсий иқтисод ва солиққа солишнинг бошланиши» номли асарида иқтисодий муносабатларда мутлоқ устуворлик (А.Смит назариясига кўра) моҳиятан умумий қоидалардан маълум чекланиш эканлигини исботлаб, нисбий устуворлик назариясини асослаб берган. Унинг фикрича, ташқи савдони ривожлантириш йўналишларини таҳлил этишда икки ҳолат инobatга олиниши лозим. Биринчидан, иқтисодий ресурслар (табiiй, меҳнат ва х.к.) мамлакатлар ўртасида турлича тақсимланган. Иккинчидан, турли товарларни самарали тарзда ишлаб чиқариш турли технологиялар ёки ресурсларнинг турлича комбинациясини талаб этади. Бунда таъкидланишича турли товарларни ишлаб чиқариш самарадорлиги маълум давр давомида ўзгариши мумкин ва ҳақиқатда ўзгариб боради. Мазкур хулосага асосланган ҳолда нисбий устуворликлар назарияси шакллантирилган бўлиб, унга кўра мамлакат ўз кучларини юқори самарадорлик билан ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган товарларга йўналтириши ва уларнинг экспорти орқали нисбий устуворлик минимал даражада бўлган товарларга бўлган талаб қондирилиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда Д.Рикардо капитал (ўзгармас ва ўзгарувчан) самарадорлигини баҳолаш жараёнида шундай хулосага келади: «...капиталдан фойдаланиш муддати қанчалик камайиб борса, унинг дастлабки қийматини сақлаб қолиш учун амалга оширилаётган меҳнат сарфи шунчалик кўпаяди». Шу ўринда Д.Рикардонинг меҳнат назариясини тўхталиб ўтиш мумкин. Унинг фикрича, нархларни аниқлаб берувчи

³⁰ Шумпетер, И. Десять великих экономистов от Маркса до Кейнса / пер. с англ. Н.В. Автономовой, И. М.Осадчей, Н.А. Розинской; под науч. ред. В.С. Автономовой М.:Изд. Института Гайдара,2011. 416с. асосида

ягона омил меҳнат сарфи ҳисобланади. Келтирилган хулосалар асосида Д.Рикардо талқинида «самарадорлик» тушунчаси олинган иқтисодий натижанинг маълум харажатларга нисбати эканлигини қайд этиш мумкин³¹.

Л.Вальрас «Соф сиёсий иқтисоднинг бошланиши ёки жамият бойлиги» номли асарида «Соф сиёсий иқтисод – бу моҳиятан эркин рақобатнинг энг юқори, гепотетик даражасида нархларни аниқлаш назарияси» деб қайд этган. Унинг фикрича, ўзига хос бўлган иқтисодий ходисалар, жумладан самарадорлик масалалари товарларга бўлган нархни шакллантириш жараёнидагина тушунилиши ва ифодаланиши мумкин³².

В. Парето «самарадорлик» тушунчасини «иқтисодий самарадорлик модели» (ёки «Парето Оптимуми») орқали ифодалашга ҳаракат қилган. Мазкур моделга биноан, жамиятнинг фаровонлиги максимал даражада бўлиши таъминланган ҳамда ресурсларни тақсимлаш жараёни оптимал тарзда амалга оширилмоқда деб ҳисоблаш учун мазкур тақсимотнинг исталган кўринишдаги ўзгариши иқтисодий тизимнинг ҳеч бўлмаганда бир субъекти фаровонлигига салбий таъсир ўтказмаслиги зарур³³.

Юқорида келтирилган таҳлил ҳамда бошқа илмий манбаларни ўрганиш натижалари асосида бир қатор хулосаларни қайд этиш мумкин:

Биринчидан, «самарадорлик» алоҳида иқтисодий категория бўлиб, унда ишлаб чиқариш фаолияти натижалари ҳамда мазкур натижани олиш билан боғлиқ харажатларга алоқадор бўлган умумий, аҳамиятли ва барқарор алоқалар жамланмаси акс этади. Иқтисодиёт назариясининг умумий категориялари каби самарадорлик категорияси фақат иқтисодий параметрлар билан чекланмасдан, ўз таркибига ташқи муҳит билан алоқалар, жумладан, мажбуриятларни бажариш, ҳамкорлар ва рақобатчилар билан муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини олади. Шу билан бир қаторда самарадорлик иқтисодий категория сифатида мураккаб таркибий тузилмага эга. Ўзаро алоқадорлик ва муносабатларни ифодаловчи нисбий мустақил элементлар сифатида ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлиги, ресурсларни тақсимлаш самарадорлиги (аллокатив самарадорлик)³⁴, бошқарув ва капитал қуйилмалар самарадорлиги, инновациялар ва иқтисодий ўсиш самарадорлигини келтириш мумкин. Мазкур элементлар бир томондан, бир-бирини тўлдирган ҳолда иқтисодиёт субъектининг умумий ҳолатини баҳолаш имкониятини беради. Иккинчи томондан, элементларнинг ҳар бири нисбатан мустақил вазифани бажариши, бир – бири билан зиддиятли ҳолатда бўлиши, иқтисодиёт субъекти фаолиятининг турли жабҳаларини ифодалаш мумкин. «Самарадорлик» иқтисодий категориясининг таркибий тузилмаси ташқи муҳит билан ўзаро алоқалар билан бир қаторда ижтимоий самара ҳам мавжудлигидан (у ҳисобга олинадими ёки йўқми, уни баҳолаш усуллари борлиги ёки йўқлигидан қатъий назар) далолат беради. Шунинг учун, фикримизча,

³¹ Рикардо Д. Начала политической экономики и податного обложения М. : ЭКСМО, 2007. 368 с.

³² Шумпетер, И. Десять великих экономистов от Маркса до Кейнса / пер. с англ. Н.В. Автономовой, И. М.Осадчей, Н.А. Розинской; под науч. ред. В.С. Автономова. М.: Изд. Института Гайдара, 2011. 416с. 121-122 стр. асосида

³³ Шумпетер, И. Десять великих экономистов от Маркса до Кейнса / пер. с англ. Н.В. Автономовой, И. М.Осадчей, Н.А. Розинской; под науч. ред. В.С. Автономова. М.: Изд. Института Гайдара, 2011. 416с. 195-196 стр. асосида

³⁴ Аллокатив самарадорлик (allocative efficiency) – сотиб олиш пайтидаги товар ёки хизматлар баҳосининг мазкур товар ёки хизматнинг сўнги бирлиги ишлаб чиқариш учун сарфланган энг юқори харажатлар даражасига тенглиги юзага келган вазият. Банк фаолиятида банк хизматларининг баҳоси шу турдаги сўнги банк хизматини тақдим этиш учун сарфланган қўшимча харажатларга тенг тарзда ўрнитилиши ҳисобига олинандиган самара.

самарадорлик икки хусусият – ижтимоий ва ижтимоий – орқали кўриб чиқилиши зарур. Бунда биринчи хусусият олинган натижа ва унга эришиш учун зарур бўлган харажатлар ўртасидаги нисбат орқали, иккинчи хусусият ижтимоий параметрларга эришиш даражаси билан баҳоланиши мумкин.

Иккинчидан, самарадорлик категорияси умумиктисодий қонунларга мос ҳолда кўриб чиқилиши зарур. Мазкур йўналишда олиб борилган дастлабки илмий тадқиқотлар Л.Вальрас ва В.Парето томонидан амалга оширилган. Умумий иқтисодий қонунлар доирасида «самарадорлик» категориясини ўрни ва аҳамияти Л.Вальрас томонидан ишлаб чиқилган умумий иқтисодий мувозанат концепциясида, шунингдек, В.Паретонинг умумий иқтисодий мувозанатга эришиш иқтисодиётда максимал самарадорликни таъминлашга тўлиқ мослиги тўғрисидаги қондаси орқали очиқ берилган. Шундай қилиб, самарадорлик категорияси иқтисодий мувозанатни таъминлашга, самарадорликни ошириш муаммолари эса иқтисодий тизимнинг умумий мувозанатини таъминлашга алоқадордир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўлмасов А.Ў., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Iqtisod-moliya», 2014
2. Тогаев С. “Bank ishi” fanidan uslubiy qo ‘llanma //Scienceweb academic papers collection. – 2016.
3. Ражабов И. “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агроресурслар бозори мувозанати ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги”. иқтисод фанлари доктори дис. автореф. Т. 2006
4. Тогаев С. Distribution financial resources in the role of government //Scienceweb academic papers collection. – 2017.
5. Шумпетер, И. Десять великих экономистов от Маркса до Кейнса / пер. с англ. Н.В. Автономовой, И. М.Осадчей, н.а. Розинской; под науч. ред. В.С. Автономовой М.:Изд. Института Гайдара, 2011.
6. Togayev, S., & Xujamurotov, S. (2023). The role of bank management in the assessment of efficiency of commercial bank’s activity. *research and education*, 2(1), 12-16.
7. Рикардо Д. Начала политической экономики и податного обложения М. : ЭКСМО, 2007. 368 с.
8. Тогаев С. Банк фаолиятини макропруденциал тартибга солишнинг услубий ва амалий хусусиятлари //Scienceweb academic papers collection. – 2019.
9. Е.А.Трофимова «Оценка эффективности деятельности коммерческого банка, ее совершенствование в условиях межбанковской конкуренции» автореф. диссер. на соискание научной степени канд.экон наук по спец. 08.00.10 - Финансы, денежное обращение и кредит.
10. Ibodullayevich B. T., Sobirovich T. S. Tijorat banklarining moliyaviy barqarorligini ta’minlashning metodologik asoslari //Current Issues of Bio Economics and Digitalization in the Sustainable Development of Regions. – 2022. – С. 152-159.